

Сув ресурсларидан мукаммал фойдаланиш

5-маъруза

**Иқтисодиёт соҳаларининг сувга
бўлган талаблари.**

**Иқтисодиёт соҳаларини сув билан
таъминлашни навбатлашириш**

Маматов Собитжон Алижонович,
“Экология ва сув ресурсларини бошқариш”
кафедраси катта ўқитувчisi

Дарс режаси

1. Сув манбаларининг фойдали хосса ва хусусиятлари
2. Сув манбаларининг фойдали хосса ва хусусиятларидан фойдаланувчи соҳалар
3. Сувдан фойдаланувчилар ва сув истъемолчилари
4. Иқтисодиёт соҳаларининг сувга бўлган талаблари.
5. Иқтисодиёт соҳаларини сув билан таъминлашни навбатлаштириш

Сув манбаларининг фойдали хосса ва хусусиятлари

- Сув – оддий сув** сифатида ахоли, саноат, суғориш ва яйловлар сув таъминоти, маълум талабларни қондириш учун ишлатилади.
- Сув - энергия манбай.** Ҳаракатдаги сувлар маълум гидродинамик (оқим) қувватга эга бўлиб, у электр қувватига айлантирилади ёки механик ишларни бажаришда фойдаланилади. Ер ости сувлари эса маълум миқдорда иссиқлик қувватига эга. Оддий ҳолда ҳар 100 м чуқурликда ҳарорат 3° С га ошиши аниқланган.
- Сув манбай - сув акваториясини бир бўлаги** сифатида балиқчилик, сув транспорти, сув спорти, дам олиш масканлари учун муҳит сифатида хизмат қиласи.

Сув манбаларининг фойдали хосса ва хусусиятлари

4. **Сув манбалари** - инсонларни соғллигини тиклаш, касалликларни даволаш, дам олиш воситаси сифатида фойдаланилади.
5. **Сув – ашё ва ишлаб чиқариш воситаси.** Маълумки, озиқ-овқат ва бошқа кўп турдаги саноатда сув бошқа ашёлар билан бир қаторда маҳсулот ишлаб чиқаришда бевосита ёки билвосита ашё ёки ишлаб чиқариш воситаси сифатида қатнашиб, ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдори ва сифатини белгилайди.
6. **Сув – хом ашё манбаси.** Табиатдаги сув мураккаб кимёвий эритма бўлиб, унинг таркибида барча кимёвий элементлар бўлиши мумкин. Масалан, галогенлар.

Сув манбаларининг фойдали хосса ва хусусиятларидан фойдаланадиган соҳалар



1. Коммунал ҳўжалик – ичимлик сув таъминоти, юваниш, чўмилиш, уйларни иситиш, кир ювиш, тозалаш, канализация, кўкаламзорлаштириш, кўча ва ҳовлиларга сув сепиш

2. Саноат – маҳсулот ишлаб чиқариш воситаси, гидротранспорт, ускуналарни совутиш, биноларни иситиш, кўкаламзорлаштириш, ишловчиларни сув билан таъминлаш



3. Қишлоқ ҳўжалиги – ўсимликларнинг физиологик талабини қондириш, шўр ювиш, чорва ва яйловларни, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарини, қишлоқлардаги устахона ва муассасаларни сув билан таъминлаш

Сув манбаларининг фойдали хосса ва хусусиятларидан фойдаланадиган соҳалар



4. **Энергетика**, гидроэлектр станцияларни таъминлаш, иссиқлик электр станциялари буғ қозонларини таъминлаш, агрегатларини совутиш



5. **Балиқчилик** табиий сув манбалари тартибини (режимини) ва сифатини балиқчилик талабларига мослаштириш, сунъий сув ҳавзаларини сув билан таъминлаш



6. **Сув транспорти** воситалари ҳаракати учун зарур гидрологик тартибни ташкил қилиш ва уларни сув билан таъминлаш

Сув манбаларининг фойдали хосса ва хусусиятларидан фойдалананадиган соҳалар



7. Ёғоч оқизиш

8. Ўт ўчириш



9. Экология ва санитария, аҳоли яшаш жойлари, ишлаб чиқариш корхоналарида зарур экологик вазият ва санитар-гигиеник ҳолатни сақлаш.



10. Соғлиқни сақлаш-физиотерапевтик шифохоналар, санатория ва курортларни шифобахш, ичимлик ва хўжалик суви билан таъминлашда.

Сув манбаларининг фойдали хосса ва хусусиятларидан фойдаланадиган соҳалар

11. Ичимлик минерал суви

қуювчи корхоналарни минерал сув билан таъминлаш.



12. **Дам олиш масканларини** ичимлик ва шифобахш минерал сув, чўмилиш ҳовузларини сув билан таъминлаш.

13. **Физкультура ва спорт** ҳовузларини чўмилиш ва юваниш, сузиш, эшкак тортиш турли спорт мусобақаларини ўtkазиш учун зарур бўлган сув билан таъминлаш.



СХМ қатнашчилари

Сув

истеъмолчилари

маиший-рўзғор хўжалиги,
саноат корхоналари,
суформа дехқончилик,
соғлиқни сақлаш,
иссиқлик энергетикаси

Сувдан

фойдаланувчилар

сув энергетикаси,
дам олиш, рекреация,
спорт, саёҳат, балиқчилик,
ёғоч оқизиш, сув транспорти,
экологик сув оқими

Сув истеъмоли - сувни манбадан олиб, фойдаланиш жараёнида унинг бир қисмини ўзлаштириб (буғлантириб ёки маҳсулот таркибига ўтказиб) қолган қисмини сифатини ўзгартириб манбага қайтариб ташловчи, натижада манбадаги сувнинг миқдорини, оқими тартибини ва сифатини ўзгартириш

Сувдан фойдаланиш

- манбадаги сувдан йўл-йўлакай, унинг миқдорини камайтирмай (сарфламай) ва сифатига путур етказмай, яъни сувнинг миқдори, оқим тартиби ва сифатини ўзгартирмасдан фойдаланиш

Иқтисодиёт соҳаларининг сувга бўлган талаблари ва уларни мувофиқлаштириш

- ✓ Иқтисодиётнинг ҳар бир соҳаси манбадаги сувнинг микдори, сифати, режими ва сув оқимининг таъминланганлик даражасига ўз манфаатидан келиб чиқиб ўзига хос талаблар қўяди.
- ✓ Мазкур талаблар давлатнинг маҳсус стандартлари, меъёрий ҳужжатлари воситасида тартибга солинади, мувофиқлаштирилади ва меъёрий тартиб-қоида сифатида ҳужжатлаштирилиб умум фойдаланиш учун ягона тартиб сифатида қабул қилинади.
- ✓ Одатда бу ҳужжатларда келтирилган тартиб қоидалар барча соҳалар истеъмолчилари учун мажбурий саналади ва унга барча соҳалар бирдек амал қиласди.

Иқтисодиёт соҳаларини сув ресурсларининг таъминланганлик даражасига бўлган талаблари

Иқтисодиёт соҳалари ўзлари фойдаланадиган сув ресурсларини маълум таъминланганлик даражасини талаб қиладилар.

Иқтисодиёт соҳалари	Таъминланганлик даражаси, %
Коммунал-рўзғор хўжалиги	95
Саноат (озик-овқат саноати)	95
Иссиқлиқ энергетикаси	95
Чорвачилик	95
Соғликини сақлаш	95
Суғорма дехқончилик	90
Сув энергетикаси	75

Ҳар бир соҳа сувнинг сифатига ҳам ўзига хос талаблар қўяди.

Иқтисодиёт соҳаларининг сувдан фойдаланиш графиклари

Иқтисодиёт соҳаларининг сувнинг сифатига бўлган талаблари

- **Коммунал хўжалиги соҳаси** ичимлик сувининг сифатига амалдаги:
 - UzDSt 950:2011 “Ичимлик суви” ва;
 - UzDSt 951:2011 “Ичимлик суви манбай” давлат стандартлари талабларига тўлиқ жавоб берадиган сув бўлишини талаб қилади;
- **Саноат корхоналари** “Саноатни турли соҳаларида сув истеъмол килиш ва оқава сувларни чиқаришнинг йириклиштирилган меъёрлари”да келтирилган талабларга жавоб берадиган сифатдаги сув ресурсларини талаб қиладилар;
- **Иссиқлик энергетикаси корхоналари** буғ ҳосил қилиш учун ишлатиладиган сувнинг сифатига ўзига хос юқори талаблар қўяди. Хусусан, ишлатиладиган сувнинг таркибидағи қаттиқлик тузларини паст бўлишини талаб қиладилар.

Қишлоқ хўжалиги тармоқларининг сувнинг сифатига бўлган талаблари

- **Чорвачилик соҳасида ишлатиладиган сувнинг сифати** “Чорвачиликда сув истемол килиш ва оқова сув чиқаришнинг йириклиштирилган меъёрлари ва қишлоқ аҳоли яшаш пунктларининг марказлаштирилган сув таъминоти тизими”да келтирилган талабларга жавоб берадиган сув талаб қиладилар,
- **Суғорма деҳқончилик** эса экинларни суғоришга ишлатиладиган сувнинг сифатини қишлоқ хўжалиги экинлари ва уларнинг ҳосилига салбий таъсир кўрсатмайдиган ҳамда тупроқ шўрланишини юзага келтирмайдиган бўлишини талаб қиладилар.

Иқтисодиёт соҳаларини сув билан таъминлашни навбатлаштириш

Сув таъминотини навбатлаштириш асосига давлатнинг ижтимоий-сиёсий мақсади қўйилади. Ўзбекистонда асосий мақсад - табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни ташкил килиш орқали мамлакат аҳолисининг фаровон ҳаётини таъминлаш.

Сувга бўлган талабни навбатлашда иқтисодиёт соҳалари **3 тоифага** бўлинади:

I. Кишилар ҳаётини бевосита таъминловчи соҳалар:

1. Коммунал хўжалик:
 - ичимлик суви;
 - хўжалик учун сув;
 - кўкаlamзорлаштириш;
 - санитария мақсадлари;
 - ёнғинга қарши сув;
2. Озиқ-овқат саноати;
3. Соғликни сақлаш ва дам олиш;
4. Физкультура ва спорт;
5. Экологик мақсадлар;
6. Чорвачилик;
7. Балиқчилик.

Иқтисодиёт соҳаларини сув билан таъминлашни навбатлаштириш

II. Жамият хаёти учун зарур, аммо сув ресурслари етишмаган ҳолларда уларнинг майдонларини ўзгартириш ва маҳсулотини четдан келтириш мумкин бўлган соҳалар:

1. Саноатни но озиқ-овкат тармоқлари;
2. Суформа дехқончилик;
3. Иссиқлик энергетикаси.

III. Иқтисодиёт учун зарур, аммо сув ресурслари етишмаган ҳолларда маҳсулотини бошқа соҳалар маҳсулотлари билан алмаштириш мумкин бўлган соҳалар:

1. Гидроэнергетика;
2. Сув транспорти;
3. Ёғоч оқизиш ва бошқалар.